

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хамирова С.Я.

Термез агротехнологиялар ва инновацион ривожланиши институти, “Агробизнес, бухгалтерия ҳисоби ва рақамли технологиялар” кафедраси доценти

Хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг ўзгарувчан ва доимий харажатларга туркumlаниши туфайли муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг тўғри тақсимланиши бошқарув қарорларига билвосита таъсир кўрсатади. Чунки таҳлил натижалари ҳам айнан мана шу кўрсаткичларга боғлик.

Кўптина манбаларда у ёки бу харажат элементини тўғридан – тўғри ўзгарувчан ёки доимий харажат сифатида баҳолашади. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, бир хил хусусиятга эга бўлган турли харажатлар ўз табиатларига кўра фарқланишлари мумкин. Масалан, ижара харажатларини оладиган бўлсак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бирданига катта ҳажмга ўсиши ижарада бўлган станокларнинг кўпайишига олиб келиши ёки бир неча сменада иш ташкил қилиниши натижасида тайёр маҳсулотнинг кўпайиб кетганлигидан қўшимча омборнинг ижарага олиниши бунга мисол бўлади. Яъни ишлаб чиқариш маълум бир кўрсаткичга етгандан сўнг бу харажат миқдори ўзгаради ва бундай ижара харажатларини доимий харажат эмас, балки яrim доимий харажат ҳисобланади.

1-жадвал

Харажат моддаларининг классификация хусусиятлари

Харажат моддалари	Ўзгарувчан	Доимий	Яrim доимий, яrim ўзгарувчан
Хомашё харажатлари	+		
Нефт маҳсулотлари			+
Технологик мақсадлар учун ёқилғи ва энергия	+		
Иш ҳақи	+	+	
Амортизация		+	
Солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловлар		+	+

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Жамоавий эҳтиёжлар учун ажратмалар	+	+	
Асосий воситлар ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш			+
Ёрдамчи хўжаликларнинг иш ва хизматлари	+		+
Бошқа харажатлар		+	+
Бракдан йўқотишилар			+
Умумишлиб чиқариш харажатлари		+	+
Умумхўжалик харажатлари		+	+

Уларни тўғри тақсимлай олиш жуда катта аҳамиятга эга, чунки ўзгарувчан ва доимий харажатлар тўғрисидаги маълумот корхона фаолиятининг қўп жиҳатларида керак бўлиши мумкин. Масалан, яrim тайёр кўринишга эга бўлган ҳомашёларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш ёки четдан сотиб олиш кераклиги қарорни айнан шу компонентга кетадиган ўзгарувчан харажатларни ҳисоблаш орқали хулоса чиқариш мумкин. Агарда яrim тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган ўзгарувчан харажатлар уни четдан харид қилгандаги харажатга нисбатан қўп бўлса, у ҳолда бу ҳомашё четдан яrim тайёр ҳолатда харид қилинади. Агарда аксинча бўладиган бўлса, у ҳолда корхонанинг ўзи бу компонентни ишлаб чиқариш учун қарор бериши мумкин.

Яна бир ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг таҳлили орқали ҳал этиладиган масала бу бирор маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириб кейинги босқичга ўтказиши ёки биринчи, иккинчи босқичнинг ўзида ишлаб чиқаришни тўхтатиб реализация қилиш кераклигини аниқлашdir. Бу муаммода ҳам барча кейинги босқичда маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган ўзгарувчан харажатлар ҳисобга олинади ва уларни ҳисобга олмай туриб сотилиш қиймати билан солиширилади. Биринчи ҳолатда ўша харажатларни қилган тақдирдаги даромадимиз яrim тайёр ҳолатдаги маҳсулотни сотишдан тушадиган тушумдан сезиларли даражада юқори бўлади ва бу ҳолатда корхона ишлаб чиқаришни сўнгги босқичгача амалга оширади. Иккинчи ҳолатда эса тайёр маҳсулот билан яrim тайёр кўринишдаги маҳсулотимизнинг реализация нархлари ўртасидаги фарқ маҳсулотни тайёр кўринишга келтириш учун кетадиган ўзгарувчан харажатлардан кичик бўлади. Бу ҳолатда бўлса, хўжалик юритувчи субъект учун маҳсулотни яrim тайёр ҳолатда реализация қилиш мақсадга мувофиқроқдир. Бунда бозордаги аҳволни синчиклаб ўрганиб чиқиши зарурий шартdir, чунки корхона ўз маҳсулотига у тайёр кўринишда бўладими, ёки яrim тайёр кўринишдами олдиндан харидорлар топиши ва шартнома орқали муносабатларни ўрнатиши лозим. Кейингина айнан мана

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

шу шартномалар асосида керакли даражадаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш имкони пайдо бўлади.

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва самарали бошқариш таннарх аниқлашнинг замонавий тизимларини амалиётга жорий қилишни тақозо этади. “Директ-костинг” тизими ҳам республикамиз бухгалтерия ҳисоби учун янги тизимлардан ҳисобланиб, бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларида кенг кўлланилмоқда. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва қўшимча, доимий ва ўзгарувчан харажатларга аниқ бўлишни ва шу асосда бошқаришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишни талаб қиласди.

“Директ-костинг” тизимининг асосий мақсади корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишдан иборат.

Дастлабки, босқичда таннархга фақат ўзгарувчан харажатлар киритилар эди, доимий харажатлар эса корхонанинг молиявий натижаларига ҳисобдан чиқарилар эди. Direct – Costing – System (бевосита харажатлар ҳисоби тизими)нинг номи ҳам шундан келиб чиқсан, кейинроқ “Директ-костинг” тизими шундай ҳисоб тизимига айландики, унда таннарх фақат бевосита ўзгарувчан харажатлар қисмida ҳисоб қилинадиган бўлди.

“Директ-костинг” ҳисоби тизимининг асосий афзалликлари қўйидагилар:

- Маҳсулот таннархини ҳисоблашдаги соддалаштириш ва аниқлик (чунки таннарх фақат ўзгарувчан харажатлар қисмидагина режалаштирилди ва ҳисобга олинади);
- Маҳсулот турлари ўртасида доимий ҳаражатларни шартли тақсимлаш учун мураккаб ҳисоб – китоблар қилинмаслиги;
- Рентабеллик даражаси (заарсизлик нуқтаси, сотиш ҳажми), маҳсулот баҳосининг қуи чегарасини аниқлаш имконияти;
- Маҳсулот хилма – хил турлари бўйича рентабеллик даражасини қиёсий таҳлил қилиш имконияти;
- Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлаш имконияти;
- Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда уларни четдан сотиб олишдаги танлов имконияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект чуқур маркетинг сиёсатига ёндашган ҳолатда фаолият юритиши зарур. Чунки ҳозирги кунда истеъмолчи хоҳиш-истакларини, бозор конъюктурасини ва ундаги аҳволни ўрганмай туриб фаолият юритиш корхона рентабеллигига сезиларли салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, унинг фаолияти якунланишига ҳам олиб келиши мумкин. Маркетинг фаолияти жараёнида бошқарувчи менеджер олдида турадаган саволлар:

- Қандай қўринишдаги маҳсулот ишлаб чиқарishim лозим?

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

- Қанча миқдорда ишлаб чиқаришим керак?
- Ким учун ишлаб чиқариш керак?
- Махсулотимнинг нархи қандай бўлиши лозим?

Юқоридаги саволларнинг кўпчилиги ҳам айнан доимий ва ўзгарувчан харажатларни таҳлил қилиш орқали жавоб топишимиш мүкин. Бу муаммоларга кейинги бобда батафсил тўхталашиб. Демак юқоридагилардан кўриниб турибдики, бошқарув ҳисобида доимий ва ўзгарувчан харажатларни таҳлил қилиш жуда муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабли ўзгарувчан ва доимий харажатлар таҳлилини такомиллаштириш ва амалиётда кенг қўлланиши хўжалик юритувчи субъект молиявий ахволига ва шу орқала керак бўлса, мамлакатимиз иқтисодий шароитига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шеремет. А.Д., Методика финансового анализа/ Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. - М.: ИНФРА-М, 2011г., 127 с.
2. З.А.Сагдиллаева, И.Х.Чориев, А.Б.Абдуллаев. Экономический анализ. Т.: «Nihol print» ОК.2022. стр.444
3. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
4. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития (pp. 201-207).
5. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent, «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
6. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.
7. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
8. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.- URL:<https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>
9. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.
10. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

11. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАФБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
12. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
13. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrt/article/view/3251>
14. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
15. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, 2(0002).
16. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
17. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишилаб чиқарии ҳажми таҳлилини такомиллаштириши масалалари. *Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики*, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
18. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
19. Yakupbaevich, I. J. ., Abrarovich, Y. J. ., Akhtamovich, H. S. ., & Bekmurodova. (2023). COMMERCIAL BANKING, CREDIT OPERATIONS, PROVISION OF COLLATERAL, ASSESSMENT MECHANISMS. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIIYA JURNALI / JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION*, 2(4), 6–13. Retrieved from <https://mudarrissiyo.uz/index.php/innovatsiya/article/view/251>
20. Қличев Баҳтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишилаб чиқарии ҳажми таҳлилини такомиллаштириши масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

21. Abdullayev, A., & Djamalov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.
22. Худоёров О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамли банк технологияларини жорий қилиш . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
23. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o ‘rni.
24. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.
25. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591. <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
26. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.
27. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>
28. Ibragimov Gayratjon Artikovich, Kurbanbaev Jurabek Eruvbayevich, Mukhiddinova Barno Gafurjanovna. (2019). The main differences between IFRS and NSA. *International Finance and Accounting*, 3(13), 1-12. Retrieved from <https://core.ac.uk/download/pdf/285998049.pdf>
29. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITALIZATION OF THE ECONOMY AND OPERATIONAL SAFETY. *International Journal of Research in Economics and Social Sciences(IJRESS)*, 13 (11), 95-101. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS10-Nov2023-Uzb.pdf>
30. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). EKSPORT-IMPORT OPERATSIYALAR HISOBI NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO’NALISHLARI . *World Scientific Research Journal*, 23(2), 215–222. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3034>
31. Самадова Наргиза Расуловна. (2024). КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОХИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ COMPLEX

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

ANALYSIS OF THE ECONOMIC COMPETENCE OF THE ENTERPRISE . World Scientific Research Journal, 23(2), 174–181.

Retrieved from

<http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3030>

32. Gayratjon Ibragimov. (2024). TIJORAT BANKLARIDA MBMB TIZIMINI JORIY ETISH MASALALARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 223–230. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3035>
33. Пардаевич, К. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, (2), 2181-1016.
34. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). MUQOBIL IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR . World Scientific Research Journal, 23(2), 231–238. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3036>